

хизматига бўлган талабини қондириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш учун барча зарур шартшароитларни яратиш, жумладан пандуслар, кар-соқовлар учун онлайн сурдотаржимон, автотранспорт воситаларига қуай тўхтаб туриш жойларини ва бошқа имкониятларни ташкил этиш;

- банк хизматлари сифатини ва уларнинг оммабоплик даражасини мустақил баҳолаш тизимини яратиш.

Хуоса ва таклифлар. Умуман олганда, тижорат банкларининг бирламчи вазифаси мижозларга сифатли хизмат кўрсатишидир. Бу ўз навбатида банкларининг рақобат бозорида мавқенини мустахкамлаши, мижозлар базасини оширишни банклар томонидан замонавий банк маҳсулот ва хизматлари, хусусан, он-лайн хизматлар кўрсатишини жорий қилиш ва ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ килиш стратегияси^[2]да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини қенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, тижорат банкларини корпоратив трансформация килиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида асосий вазифалар белгилаб олинган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, kontaktciz тўловлар сони ва қамровини қенгайтириш;

- автоматлаштирилган скоринг тизими, ракамли идентификациялаш ва кредит конвойерларидан кенг фойдаланиш;

- банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;

- банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни қенг жорий килиш (финтех, ракамли банк).

Ушбу вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад, республикамизда ракамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида ахолининг молиявий ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги интеграциясини жадаллаштиришдан иборатdir.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган банклар роли фаоллашувининг аҳамияти шундан иборатки, кам ҳаражатлар билан максимал самараға, мижозларнинг банк хизматлари кўрсатишига бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, банк хизматлари доирасини зарур.

Маълумки, банклар тақдим этаётган хизмат турлари кундан кунга янгиланиб такомиллашиб бормоқда. Бу янги инновацион ғояларга асосланган банк маҳсулотлари яралиши мақсадида тинимсиз изланишлар олиб боришни ва юқори сифат даражасида мижозларга хизмат кўрсатишина тақозо этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида ПФ-5992-сон Фармони 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й. <https://iza.uz/uz>
4. Марданов А., Мунасыпов Р. Клиент-ориентированная стратегия управления в банковской деятельности. //Банки и технологии, №4, 2004 г.
5. Майл Портр. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. 5-е издание. Издательство-Альпина Паблишер, 2016 г. 456 с
6. Бекмуродова Г.А. Тижорат банкининг мижозларга йўналтирилган стратегиясининг самарадорлиги. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти
8. https://review.uz/oz/post/_iqtisodiy-tadqiqotlar-va-islohotlar-markazi-banklar-faollik-indeksini-ishlab-chiqdi

БАНКЛАРДА КРЕДИТ РИСКЛАРНИ СКОРИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ

Тошбулатов Даврон Акромович -
"Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ Риск менежер, PhD

Аннотация. Мақолада тижорат банкларида кредит сўраб мурожаат қилган мижозларнинг ҳамда кафиллик тақдим этаётган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг кредитига лаёқатлилик даражасини аниқлаш зарур учун бўладиган турли хил кўрсаткичлар келтирилган. Шу билан бирга мижозларнинг кредитига лаёқатлилигини аниқлаш бўйича илмий адабиётларда маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек юзага келиши мумкин бўлган кредит рискларини камайтириш бўйича илмий тақлиф ва хуласалар берилган.

Таянч сўзлар; Скоринг, кредитига лаёқатлилик, соф фойда, ялпи фойда, сотишдан соф тушум, кредитига лаёқатлилик.

ОЦЕНКА КРЕДИТНЫХ РИСКОВ БАНКОВ С ПОМОЩЬЮ РЕЙТИНГОВОЙ СИСТЕМЫ СКОРИНГ

Toшпулатов Даврон Акромович -

АО «Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана»

Риск менеджер, PhD.

Аннотация. В статье представлены различные показатели для определения уровня кредитоспособности клиентов, обращающихся за кредитами в коммерческих банках, а также юридических лиц, индивидуальных предпринимателей и физических лиц, предоставляющих гарантии. При этом анализируются взгляды местных и зарубежных ученых в научной литературе на определение платежеспособности клиентов. Есть также научные предложения и выводы о том, как снизить потенциальные кредитные риски.

Ключевые слова: Скоринг, кредитоспособность, чистая прибыль, валовая прибыль, чистая выручка от продаж, кредитоспособность.

ASSESSMENT OF CREDIT RISKS IN BANKS THROUGH SCORING RATING SYSTEM

Toshpulatov Davron Akromovich -

JSC " Mortgage Refinancing Company of Uzbekistan"

Risk manager

Abstract. The article presents various indicators for determining the level of creditworthiness of customers applying for loans in commercial banks, as well as legal entities, individual entrepreneurs and individuals who provide guarantees. At the same time, the views of local and foreign scholars in the scientific literature on determining the creditworthiness of customers were analyzed. There are also scientific suggestions and conclusions on how to reduce potential credit risks.

Keywords: scoring, creditworthiness, net profit, gross profit, net sales revenue, creditworthiness.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш сифатида автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвойеридан кенг фойдаланиш [1] белгиланганлиги банкларда кредит рискини олдини олишда скоринг тизими кўрсаткичларини ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан потенциал қарз олувчини масофадан туриб идентификациялаш, маълумотлар ҳавфсиз алмашувини амалга ошириш ва скоринг модели асосида қарз олувчинг кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шарти билан онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш ҳуқуқига эга [2] эканлиги ҳар бир тижорат банклари ўзларининг скоринг баҳолаш тизими орқали мижозларнинг кредитга лаёқатлиигини аниқлаш мумкин бўлади.

Банк таваккалчилигини бошқариш бўлинг масининг вазифаларидан бири сифатида банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва мижозларни скоринг

таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиши ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш [3] белгиланганлиги банкларда скоринг рейтинг тизими орқали мижозларнинг кредитга лаёқатлиигини аниқлаш орқали кредит рискини олдини олиш зарур бўлади.

Ҳозирги вақтда банклар фирибгарлик ҳолатларининг ва ёмон кредитлар сонининг кўпайиши ҳисобига рискларни таҳлил қилиш талабларини оширмоқда. Кредит скоринги кредит тўлашдан бош тортиш рискини камайтириш воситаси, шунингдек, кредит портфелининг мақбул тузилишини аниқлашга, таваккалчилик даражасига қараб кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мослаштиришга ёрдам беради [4].

Кредит скоринги қарз олувчига ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига ва имкониятларига қараб баллар бериш тизими ҳисобланади. Баллар статистик модел ёки математик алгоритм ёрдамида мижозлар маълумотлари миқдорига қараб ҳисобланади. Бошқача айтганда, кредит ташкилоти мижоз ҳақидаги мавжуд маълумотларни холис қарор қабул қилиш ва мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолаш имконини берадиган миқдорий кўрсаткичларга айлантириши керак [5].

Ушбу ҳолатлар банкларда кредит рискларини олдини олиш ҳамда тезкор ҳолда мижозларнинг кредитга тўлов қобилиятини аниқлаш мақсадида назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Профессор Алешин В.А кредит скоринги бу - банкдаги кредит фаолиятини бошқаришнинг асосий вазифаларини сифатли ҳал қилиш имконини беради, масалан; қарз олувчини кредит беришини баҳолаш моделларини яратиш; қарз олувчи билан ишлашни максимал даражада автоматлаштириш; кредит сиёсатини бошқаришнинг мар-

казлаштирилган тизимини яратиш; онлайн мониторинг ва ҳисобот бериш тизимини яратиш; кредит портфели сифати ўзгариши динамикаси прогноз қилиш.

Қўллаш соҳасига қараб қуйидаги расмда кўрсатилган скоринг турларига ажратилади. Банк амалиётида энг кенг тарқалган скоринг тури - бу аризачининг скоринги ҳисобланади [6].

Скоринг тури	Таснифи
Аризачини скоринг қилиш (Application scoring)	Янги мижозларнинг кредитни тўламаслик эҳтимолини баҳолаш
Хулқ-атвор (Behavioral scoring)	қарз олувчиларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида риск даражасини ҳисоблаш
Кечикирилган қарзлар (Collection)	Кечикириб тўловчиларга қачон ва қандай чоралар кўриш кераклигини аниқлаш
Фирибгарликка қарши курашиш (Fraud scoring)	Янги мижозларнинг фирибгар эмаслилиги эҳтимолини баҳолаш
Жавоб скоринги (Response scoring)	Истимолчининг реакциясини(жавоб) баҳолаш унга таклиф қилинаётган йўналиш бўйича
Йўқотишилар скоринги (Attrition scoring)	маҳсулотни келажақда ишлатиш ёки бошка маҳсулот етказиб берувчига ўтиш еҳтимолини баҳолаш

1-расм қўлланилиш соҳасига қараб скорингнинг таснифланиши

Манба: TERRA ECONOMICUS 2012 Том 10 № 2 Часть 3

Е. В. Глинкина иқтисодиётда скоринг банк соҳасида энг кенг тарқалган. Скоринг мижознинг кредитлаш имкониятини кўриб чиқаётганда ушбу потенциал қарз олувчининг банк-ротлик эҳтимолини баҳолаш ҳисобланади. Скоринг - бу мижозлар базасини турли гурухларга ажратиш модели бўлиб, унда бу гурухларни ажратувчи хусусият номаълум, лекин қизиқиши хусусияти билан боғлиқ бошқа омилларни ҳисобга олади [7].

Кредит скоринг усули биринчи марта 1940-йилларнинг бошларида америкалик иқтисодчи Д. Дуранд томонидан таклиф қилинган. Скоринг орқали истеъмол кредити учун қарз олувчиларни танлаш муаммосини ҳал қилган [8].

Банк амалиётида қарз олувчининг фаолиятининг молиявий бўлмаган томонларини таҳлилий (яъни расмий бўлмаган) баҳолашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай ҳолда, қуйидаги хусусиятларни баҳолаш енг мақбулдир;

- қарз олувчи ҳақида умумий маълумот; фаолият муддати, пул оқими, ишбилармонлик обрўси, таъсисчиларнинг барқарорлиги, давлатнинг устав капиталидаги улуши ва бошқалар;

- қарз олувчининг фаолиятини баҳолаш; фаолиятни диверсификация қилиш, маҳсулотга, қарз олувчининг хизматларига талаб даражаси,

етказиб берувчилар билан муносабатлар, фаолият тури ва бошқалар;

- қарз олувчининг ушбу банкдаги, бошқа банклардаги кредит тарихи.

Шу билан бирга, ликвидлик, молиявий мустақиллик, товар айланмаси ва рентабеллик коеффициентлари Россия кредит скоринги амалиётида асосий молиявий кўрсаткичлар сифатида қаралади [9].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, скоринг рейтинг тизими Банкка кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган ёки сўралаётган кредит бўйича кафиллик тақдим этаётган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилик даражасини аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва коэффицентлар мажмуидир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада, тижорат банкларда кредитга талабгор мижозларнинг тўлов қобилятини скоринг тизими орқали баҳолашда Марказий банк томонидан белгиланган талабларга ва соҳанинг етакчи амалиётига мувофиқ келадиган умумий кредит рискларини олдини олиш учун мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини, баҳолаш, таҳлил қилишда эътиборга олиниш лозим бўлган жиҳатларни тадқиқ этишда бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан бажарилган илмий тадқиқотларни излабдиштиришади.

қот ишларининг илмий хуносалари ва муаллифларнинг амалий тажрибалари асосида мустақил ёндашувлар шакллантирилди. Шунингдек жадвал, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил, гурӯхлаш каби усуллардан ҳамда статистик маълумотлардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жисмоний шахс учунунинг ижтимоий мақоми, молиявий даромадлари, мавжуд мол-мулки (активлари) ва кредит тарихи каби омиллар, Якка тартибдаги тадбиркорлар учун кредит тарихи, тадбиркорлик фаолияти ва жисмоний шахс сифатида баҳоланадиган омиллар, Юридик шахслар учун эса баланс ва молиявий натижалар бўйича ҳисоботидан келиб чиқиб ҳисобланадиган миқдорий кўрсаткичлар ва субъект фаолияти, кредит тарихи ҳамда сўралаётган кредит хусусияти билан боғлиқ сифат кўрсаткичлари каби омиллар кредитга лаёқатлийни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, скоринг рейтинг тизими ушбу омилларни ҳисобга олган бўлиб, кредит рискини аниқлаш ва баҳолашнинг бирламчи воситаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу омиллардаги кўрсаткичлар кредитга лаёқатлийни баҳолашнинг базавий кўрсаткичлари ҳисобланаб, мижознинг кредитга лаёқатлийк ва кредит интизомини ифодаловчи бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Скоринг рейтинг тизими бўйича кредит риск даражасини аниқлашда имкон берувчи омиллар гуруҳидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида балл берилади. Гуруҳлар бўйича берилган баллар умумлаштирилиб, жами тўпланган балларга асосан мижоз яшил, сариқ ёки қизил ҳудуддан бирига тушади ва

кредит ажратиш ёки ажратмаслик бўйича хуносаси қилинади.

Мижозни кредитга лаёқатлиигини баҳолаш учун маълумотларни тўлдириш мижозлар билан ишловчи менежерлар (Relationship managers) томонидан амалга оширилади. Бунда айрим маълумотлар инсон омили иштирокини чеклаш мақсадида автоматик тўлдирилиши мумкин. Шунингдек, агар кредит онлайн ажратилаётган бўлса, дастур албатта скоринг тизими элементларини ўз ичига олган бўлиши лозим

Скоринг тизими умумий характерда бўлиб, ҳар бир кредит маҳсулоти хусусиятидан келиб чиқиб, скоринг параметрлари алоҳида танлаб олиниши мумкин

Юридик шахсларни скоринг тизими орқали баҳолашда қўйидаги миқдорий коефициентлардан фойдаланилади;

Фаоллик кўрсаткичлари - иккита давр кўрсаткичларни ўзаро бир-бирига солишириш орқали яъни мос даврлардаги кўрсаткичлар айрмаси олиниади ва у биринчи санадаги кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади. Бу ўз ичига сотишдан тушган соф тушумларнинг ўсиши, активлар ўсиши, ялпи фойданинг ўсиши, операцион фойданинг ўсиши васоф фойданинг ўсиши каби кўрсаткичларни олади.

Айланувчанлик кўрсаткичлари - жорий активлари ва жорий мажбуриятларини қанчалик тез айланнишини ифодалайди. Операцион циклнинг айланниш даври, айланма маблағларнинг айланувчанлиги, дебитор қарздорлигининг айланувчанлиги, товар моддий заҳираларнинг айланувчанлиги ва кредитор қарздорлигининг айланувчанлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Операцион цикл айланниш даври	=	<i>Дебитор қарздорликнинг айланувчанлик даври</i>	+ <i>Товар-моддий заҳираларнинг айланувчанлик даври</i>	- <i>Кредит қарздорлигининг айланувчанлик даври</i>
Айланма активларнинг айланувчанлиги	=	<i>Сотишдан соф тушум Соф айланма активлар</i>	<i>Дебитор қарздорликлари айланувчанлиги</i>	<i>Сотишдан соф тушум</i>
Кредитор қарздорликлари айланувчанлиги	=	<i>Махсулот таннархи Кредиторлик қарздорликлари</i>	<i>Дебиторлик қарздорликлар</i>	<i>Махсулот таннархи</i>
			<i>Товар моддий-захиралар айланувчанлиги</i>	<i>Товар моддий засиралар</i>

Фойдалилик кўрсаткичлари- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар бўлиб, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, ялпи фой-

да маржаси, операцион фойда маржаси ва соф фойда маржаси каби коефициентлардан фойдаланилади.

$$\text{Активлар} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами активлар}}$$

$$\text{Ялти фойда маржаси} = \frac{\text{Ялти фойда}}{\text{Сотишдан соф түшүм}}$$

Ликвидилик күрсаткичлари - хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобилиятлигини ва қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлари орқали қанчалик қоплай олишини ифодаловчи күрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Жорий ликвидилик күрсаткичи, жорий

$$\text{Жорий ликвидилик коефициенти} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

$$\text{Лаҳзали ликвидилик коефициенти} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жами мажбуриятлар}} \cdot \frac{\text{Товар моддий заҳиралар}}$$

$$\text{Айланма маблағлари билан таъминланганлилик} = \frac{\text{Жорий активлар} - \text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Сотишдан соф түшүм}}$$

Қарз юки күрсаткичлари – хўжалик юритувчи субъектнинг банк олдидаги мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятини ўзида ифодалаб, қарз маблағларининг даромаддаги

$$\begin{aligned} \text{Қарз маблағларининг даромаддаги улуси} &= \frac{\text{Қарз маблағлари}}{\text{Сотишдан соф түшүм}} \\ \text{Молиявий ричаг коефициенти} &= \frac{\text{Хусусий капитали}}{\text{Жами активлар}} \end{aligned}$$

$$\text{Фоиз тўловлари қопланиши (1 йиллик)} =$$

$$\text{Капитал} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий апитал}}$$

$$\text{Операцион фойда маржаси} = \frac{\text{Операцион фойда}}{\text{Сотишдан соф түшүм}}$$

мажбуриятлар улуси, лаҳзали ликвидилик коефициенти, пул маблағлари билан таъминланганлик ваайланма маблағлари билан таъминланганлилик каби коефициентлар билан ифодаланади.

$$\text{Жорий мажбуриятлар} = \frac{\text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Жами мажбуриятлар}}$$

$$\text{Пул маблағлари билан таъминланганлилик} = \frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

$$\text{Айланма маблағлари билан таъминланганлилик} = \frac{\text{Жорий активлар} - \text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Сотишдан соф түшүм}}$$

улуси, қарз маблағларининг капиталдаги улуси, молиявий ричаг даражаси, кредит асосий қарзи ва фоиз тўловлари қопланиш қобилияти күрсаткичларидан иборат.

$$\text{Қарз маблағларининг капиталдаги улуси} = \frac{\text{Қарз маблағлари}}{\text{Хусусий капитал}}$$

$$\text{Асосий қарз қопланиши (1 йиллик)} = \frac{\text{Операцион даромад}}{\text{Қарз маблағлари}}$$

$$\text{Фоизли харажатлар ва солик тўлангунга қадар фойда} = \frac{\text{Фоизли харажатлар ва солик тўлангунга қадар фойда}}{\text{Кредит фоизи бўйича тўловлар}}$$

Юридик шахслар кредит скоринги сифат күрсаткичларини баҳолашда бизнес риски профили, тармоқ риски профили ва молиявий восита (кредит лойиҳаси) мезонлари баҳоланади ва рисклилик даражасидан келиб чиққан ҳолда вазнли-баллар ҳисобланади. Тўпланган баллар қайси риск интервалида жойлашганлигига мувофиқ кесиши маҳрицадан юқорида ҳисобланган молиявий ва сифат күрсаткичлари ҳисобга олган ҳолда сўралаётган кредит рейтинги аниқланади.

Жисмоний шахсларнинг ўртача ойлик даромадларига асосан кредитлашнинг максимал миқдорини аниқлаш скоринг тизимида қарз олувчининг кредитга лаёкатлиги аниқлангандан сўнг қарз олувчининг молиявий ҳолати ўрганилади ва қарз олувчининг максимал кредитлаш миқдори аниқланади.

Кредитнинг максимал миқдорини аниқлаш мижознинг ойлик даромад ва мажбуриятлари хақидаги маълумотларга асосланади.

Қарз олувчининг максимал кредит миқдорини аниқлаш учун мижознинг ўртача ойлик

даромадлари ҳамда мажбуриятлар бўйича ойлик тўловлари хақида маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади;

Ойлик ўртача соф даромад = ўртача ойлик дорамадлари – мавжуд мажбуриятлар бўйича ойлик тўловларни

$$SD=D-M$$

Ойлик кредит тўлов = Ойлик ўртача соф даромад – Чегирма

$$KT = SD - Ch$$

Бунда чегирма 2 хил усулда ҳисобланиши мумкин;

$$Ch = SD * k$$

ёки

$$Ch = \begin{cases} a, & SD * k < a \\ SD * k, & SD * k \in [a; b] \\ b, & SD * k > b \end{cases}$$

Кредитнинг максимал миқдори = Ойлик кредит тўлов * ((1 - (1 + Фоиз ставкаси / 12) ^ - Кредит муддати)/Фоиз ставкаси/12)

$$KMM = KT * \left[\frac{1 - \left(1 + \frac{r}{12} \right)^{-n}}{\frac{r}{12}} \right]$$

Бунда;

КММ – Кредитнинг максимал миқдори.

КТ – Ойлик кредит тўлов;

D – Ўртача ойлик даромади;

M-Мавжуд мажбуриятлар бўйича ойлик тўловлар (бу ўз ичига мижознинг 1 ойлик бошка кредитлари бўйича тўловлари, солиқлар, коммунал тўловлар ва бошقا харажатлари олади);

SD – Ойлик ўртача соф даромад;

Ch – мижознинг шахсий эҳтиёжлари учун қолдирилиши лозим бўлган ва / ёки даромади ўзгариши эҳтимоли инобатга олинадиган чегирма суммаси;

a, b – Бу қарз олувчининг бир ойлик ўртача соф даромадидан минимал ва максимал бир ойлик чегирмаси

k – Кредитнинг максимал миқдори аниқланишида ишлатиладиган коэффициент риск менежмент департаменти томонидан белгиланади.

n – Кредит муддати (ойлар сони);

r – Кредит фоиз ставкаси;

Жисмоний шахсларнинг кредит лаёқатлигини баҳолашда қуйидаги қуйидаги маълумотларни ва кўрсаткичларни инобага олиниши лозим:

Шахсий маълумотлар - қарз олувчининг ёши; қарз олувчининг жинси; қарз олувчининг яшаш жойи; рўйхатга олинган жойда яшаш давомийлиги; ўз яшаш жойини мавжудлиги; қарз олувчи билан боғланиш имконияти; оиласвий аҳволи; қарамоғидаги боқимандалар сони; маълумоти;

Мехнат фаолияти - бандлик тури; эгаллаб турган лавозими; умумий иш фаолияти давомийлиги; сўнги иш жойидаги иш давомийлиги;

иш жойи; ташкилот ҳажми; иш берувчи банк билан алоқаси; алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг касби ҳамда ташкилотнинг фаолият давомийлиги;

Қарз олувчининг молиявий-мулкий ҳолати: қарз олувчининг бир ойлик ўртача даромади; бир ойлик кредит тўлов / ойлик даромад; кредит миқдори / ойлик даромад; ўз кўчмас мулкининг маълумотлари; мулк майдони; шахсий автомобиль воситасининг мавжудлиги; шахсий автомобиль воситасининг миқдори; пластик картанинг мавжудлиги; пластик картага келиб тушадиган тушумлар (1 ой ичida) ва пластик карта тушумлари айланмаси (доимий равища).

Кредит тарихи: кредит тарихининг мавжудлиги; кредит тарихининг давомийлиги (йилда); жорий кредит мажбуриятларининг мавжудлиги; суд жараёнидаги қарздорлиги мавжудлиги; охирги мавжуд кредитнинг олинган муддати; муддати ўтган кредит қарздорликлар мавжудлиги; ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (охирги 12 ойда неча маротаба); ой охирида муддати ўтган қарзнинг мавжудлиги (қанча вақт олдин); охирги кредит қачон тўлиқ сўндирилган; жорий кредитларининг ўртача қолдиғини кредит шартнома миқдорига нисбати яъни жорий кредит юклamasи; барча жорий кредитларнинг кейинги 12 ой давомида максимал ойлик тўлов миқдори ҳамда барча жорий кредитлар бўйича келгуси 12 ой давомидаги максимал ойлик тўловни мижознинг ўртача ойлик даромадига нисбати.

Банк билан алоқалари: амалдаги мижоз; охирги 30 кун ичida ҳисоб рақамлари айланмаси; банк билан муносабатларнинг давомийлиги (йиллар) ва банк билан муносабатлар тури.

Кредит параметрлари: кредит тури; кредит муддати; тақдим этилаётган таъминот тури; бошланғич бадал миқдори ҳамда мулк қиймати / кредит миқдори.

Яккака тартибдаги кредит лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги маълумотларни ва кўрсаткичларни инобага олиниши лозим:

Шахсий маълумотлар: қарз олувчининг ёши; қарз олувчининг жинси ва қарз олувчининг яшаш худуди.

Тадбиркорлик фаолияти: қарз / сотишдан тушган соф тушум; соф фойда/сотишдан тушган соф тушум; фаолият тури бўйича иш тажрибаси; асосий ҳисоб рақамлари бўйича ўртача ойлик айланмаси; мазкур банк мижози; асосий ҳисоб-рақамлари бўйича айланмаси доимий; асосий ҳисоб-рақамлари бўйича ўртача ойлик айланмаси (фоизда); фаолиятнинг мунтазамлиги; ўз биноларининг мавжудлиги ва банк билан муносабатлар тури;

Кредит тарихи: кредит тарихининг мавжудлиги; кредит тарихининг давомийлиги (йилда); жорий кредит мажбуриятларининг

мавжудлиги; суд жараёнидаги қарздорлиги мавжудлиги; охирги мавжуд кредиттинг олинган муддати; муддати ўтган кредит қарздорликлар мавжудлиги; ой охириданудати ўтган қарзниң мавжудлиги (охирги 12 ойда неча маротаба); ой охирида муддати ўтган қарзниң мавжудлиги (қанча вақт олдин); охирги кредит қа-чон түлиқ сұндирилған; жорий кредитларининг ўртача қолдигини кредит шартнома миқдорига нисбати яъни жорий кредит юкламаси; барча жорий кредитларнинг кейинги 12 ой давомида максимал ойлик түлов миқдори; банклар олди-даги кредитдан ташқари жорий мажбуриятлари (кафилликлар ёки бошқалар); ой охирига қадар муддати ўтган қарздорлик куни; биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзниң мавжудлиги, кунда ҳамда биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзниң мавжудлиги (бу ҳолат қан-ча вақт олдин бўлган)

Кредит параметрлари: кредит тури; кре-дит муддати; тақдим этилаётган таъминот тури; бошланғич бадал миқдори ва мулк қий-мати / кредит миқдори.

Хулоса ва таклифлар. Жисмоний шахс-ларнинг қарз олувчининг молиявий-мулкий ҳо-лати бўйича алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг бир ойлик ўртача даромади, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олув-чи)нинг кўчмас мулкининг жойлашган худуди, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олув-чи)нинг шахсий автомобил воситасининг мав-жудлиги, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олувчи)нинг пластик картанинг мавжудлиги, алоқадор қарздош (биргаликда қарз олув-чи)нинг пластик картага келиб тушадиган ту-шумлар (1 ой ичидаги)лари тўғрисидги маълумот-ларни скоринг баҳолаш тизимиға киритиш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони 2020 йил 12 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микромолиявий хизматлар оммаболигини ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4400-сонли Фармони 2019 йил 23 июль.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли низом. 2011 йил 25 май
4. Сорокин Александр Сергеевич “Построение скоринговых карт с использованием модели логистической регрессии” Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Выпуск 2, март – апрель 2014
5. Олег ГИЧАН, Екатерина ГОСПОДАРИК “Современная практика разработки скоринговых карт для розничных клиентов в белорусских банках” <https://www.nbrb.by/bv/articles/10752.pdf> Банкаўскі веснік, КРАСАВІК 2020
6. АЛЕШИН В.А., РУДАЕВА О.О., “Кредитный скоринг как инструмент повышения качества банковского риск-менеджмента в современных условиях” TERRA ECONOMICUS 2012 Том 10 № 2 Часть 3
7. Е. В. Глинкина “Кредитный скоринг как инструмент эффективной оценки кредитоспособности” Финансы и кредит 16 (448) – 2011
8. Кабушкин С.Н. Управление банковским риском. Минск. 2006. С. 180.
9. Щербакова Т.А. Анализ финансового состояния корпоративного клиента и его роль в оценке кредитоспособности заемщика // Финансы и кредит. 2009. № 22

Жисмоний шахсларнинг кредит лаёқатли-лигини баҳолашда кредит тарихини ўрганишда банклар олдиғаги кредитдан ташқари жорий мажбуриятлари (кафилликлар ёки бошқалар), ой охирига қадар муддати ўтган қарздорлик куни, биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзниң мавжудлиги, биринчи транш бўйича муддати ўтган қарзниң мавжудлиги (бу ҳолат қанча вақт олдин бўлган), қарздор тақдим этган кафилликлари бўйича бошқа кредитлар ёки турмуш ўргонинг кредити, якка тартибдаги тадбиркор сифати кредитлари бўйича муддати ўтган қарзниң мавжудлиги (кунда) каби маъ-лумотларни инобатга олиш лозим.

Юридик шахсларнинг кредит лаёқатли-лигини баҳолашда сифат кўрсаткичларини яъни эгалик таркиби, фаолият масштаби, компания обрўси, банк томонидаан ҳизмат кўрсатилиш муддати, малака даражаси, аҳамиятли ходимлар риски, бизнес режалаштиш сифати, ҳисбот ва ҳисоб сифати, кредит тарихи мавжудлиги ва кредит тарихи сифати каби кўрсаткичларни инобатга олиш керак.

Корпоратив мижозларнинг кредитга лаё-қатлилигини скоринг баҳолаш тизимиға Мижоз тармоғи рискини баҳолаш жумладан: бозордаги жорий ҳолат, бозор ҳолати прогнози, рақобат позицияси, бозордаги улущ, рақобат даражаси, ҳамкорлар билан муносабат, жаҳон нархларининг таъсири, валюта риски, фаолият давомий-лиги инқироз шароитидаги корхона барқарор-лигини акс эттириш лозим бўлади.

Операцион рискларини олдини масадида ишлаб чиқилган скоринг баҳолаш тизимиға ки-ритилган баҳолаш бўйича кўрсаткичлар, маълу-мотлар ва коэффицентлар бўйича бериладиган баҳо балларини (оғирлигини) филиал инспекто-рига маълум қилмаслик лозим.